
Қувалик нуронийлар енгни шимариб пахта теришга ҳашарга чиқишди
Қува туманида нуроний отахонлар ташаббус кўрсатиб, пахта теримида фаол қатнашмоқда.

Пиру-бадавлатлар бугун Дехқонобод номли ММТП ҳудудида жойлашган “Солиев Қурбонали” фермер хўжалиги дала майдонларида теримда иштирок этиб, мўл хирмонга ўз ҳиссаларини кўшдилар.

Айни қизғин мавсумда хўжалик аъзолари ва кўнгилли теримчиларга “ҳорманглар”га чиққан отахонлар ўз ташаббус ва ғайратлари билан кўпчиликка намуна бўлишмоқда.

Дала шийпонида ташкил этилган бир пиёла чой устида эса хирмонларга барака, юртга тинчлик-омонлик тилаб дуои фотиҳалар қилинди.

Ўтказилган тадбирда туман прокурори, 2-сектор раҳбари Отабек Тошматов иштирок этиб нуронийларга эсдалик совғаларини топширди.

2022-09-24 19:54:50